



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 29 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 173 — 174 (12.484 — 12.485)

Баҳоси эркин нарҳда

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 август куни
Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди**

Шу кунларда халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами руҳи билан яшамокда. Янги-янги сонаот корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотлари, савдо марказлари, турар-жойлар, йўллар, кўприклар барпо этилмокда.

Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида бундай иншоотларни фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланган. Ана шу хайрли анъанага мувофиқ истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда кўплаб янги иншоотлар қуриб битказилди.

Президентимиз Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Хадра майдонига ташриф буюрди.

Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмокда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибабини сақлаган ҳолда янгиланиб, узокки ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормокда. Замонавий иншоотлар, турар-жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хибонлар барпо этилмокда.

Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган «Маърифат маркази», Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хибони, «Бунёдкор» спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёндидир.

Хадра майдони — Тошкентнинг тарихий марказларидан бири. Бу ерда Навоий шоҳ кўчаси, Фурқат, Зарқайнар ва Себзор кўчалари ўзаро кесишади. Майдон атрофида Тошкент давлат цирки, турли идора ва ташкилотлар, савдо мажмуалари, кўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис майдон ҳамиша гавжум, кўчалар серкатнов бўлади.

Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида бу ерда улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинди. Навоий шоҳ кўчасида 46 метрлик ер ости йўли қурилди. Фурқат кўчасидан ўтувчи 82 метрлик пиёдалар йўлиги таъмирланди.

Президентимиз мазкур объект билан танишар экан, бундай йирик иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуришда шаҳарнинг иқлим шaroитини ҳисобга олиш, рельефидан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий ва Фурқат кўчалари чорраҳасидаги ер ости автомобиль йўли, Хадра майдонининг ён томонидаги кўп қаватли уй қурилишида ана шундай табиий омиллар ҳисобга олинмагани, узокки ўйламай иш тутилгани кўплаб ноқулайликлар туғдирар эди. Ҳудуднинг асосий қисми асфальт ва бетон билан қоплангани бизнинг иқлим шaroитимизга тўғри келмас эди. Бинолар йўлга жуда яқин қурилгани сабабли уларнинг олдига дарахт экишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шaroитини яхшилаш, дам олиш учун имконият яратиш, Хадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фаввора бунёд этилди. Фаввора 12 метр баландликкача кўтарилди. Тунда рангбаранг чироқлар ёғдусида жилоланади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жараёнида доимо инсон манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, — деди Президентимиз. — Аҳолининг яшаш, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилмоғи даркор.

Кўчалар, майдон ва хибонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмокда. Қашган, қарағай, арча, қайин каби ҳавонини тозаловчи ва кислород билан бойитувчи кўплаб дарахтлар ва гуллар экилиши натижасида пойтахтимизда янада обод ва кўркем бўлиб бораётди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журнали бўлинимаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўриндан жой олгани бунинг далилидир.

Хадра майдонида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари самарасида пойтахтимизда яна бир сўлим маскан пайдо бўлди. Майдоннинг Навоий шоҳ кўчасига яқин қисмидаги асфальт қопламаси олиб ташланиб, унинг ўрнида яшил майсазор барпо этилди. Манзарали дарахт ва гул кўчалари ўтказилди. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилди.

Бино, йўл ва бошқа инфратузилма иншоотларини қуришда нафақат бугунги кунни, балки келажак авлод-



лар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислон Каримов.

Мамлакатимизда, жумладан пойтахтимизда бунёд этилган замонавий иншоотлар, йўллар, кўприклар, боғ ва хибонларга назар солган киши уларда ана шу эзгу мақсад мужассам эканини сезади.

Биз барча иншоотларни, йўллару кўприкларни ўз ақлу заковатимиз, куч ва салоҳиятимиз билан қурапмиз. Амир Темур бобомизнинг «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган биноларни келиб қўринг», деган ҳикмати сўзи барча бунёдкорлик ишларимизда дастуруламал бўлмоғи лозим, деди Ўртбошимиз.

Президентимиз Хадра майдонининг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало болаларнинг дам олиш учун яратилган қулайликларни янада ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фавворалари замонавий технологиялар асосида тақомиллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи фаолияти билан ҳам танишди.

Ўртбошимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Сонаот корхоналарида тармоқлараро ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш жараёнига энг замонавий техника ва технологиялар жалб этилмокда, транспорт-коммуникация тизими инфратузилмаси изчил ривожлантирилмокда. Тубдан реконструкция қилиниб, янги қуюв линияси жорий этилган Қуюв-механика заводи Ўзбекистонда темир йўл тармоғини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин натижасидир.

«Дизель локомотивлари паркинни модернизация қилиш» лойиҳаси бўйича мазкур корхона «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ихтиёрига берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қўйма маҳсулотларнинг салмоқли қисми мазкур завод цехларида тайёрланаётди. Айни пайтда бу ерда 1270 мутахассис иш билан банд.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил июнь ойидаги Қуюв-механика заводида юк вагонларини таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагон қурилишини ташкил этиш ва қуюв ишлаб чиқариши реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирларига оид қарорига асосан 2012 йилдан бошлаб мазкур ишлаб чиқариш тармоғида 150 миллион АҚШ доллариллик лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Тиклиш ва тараққиёт жамғармасининг 48,8 миллион АҚШ долларига тенг кредити ва қолган қисми «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳисобидан амалга оширилди. Завод Германиянинг «Kunkel Wagner», «Otto Junker», «Nedermap» компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳа асосида заводнинг янги қуюв линиясида ўрнатилган ушбу янги авлод технологиялари Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Энг муҳими, янги қуюв линиясининг модернизация қилинган электр қувватини сезиларли даражада тежаш имконини бераётди.

Мазкур лойиҳанинг аҳамияти шундаки, импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги эҳтиёт қисмларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 26,5 минг тонна қуюв маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур заводда бугунга келиб 167 турдаги сонаот маҳсулотлари маҳаллийлаштирилди. Бу йилига 15 миллион АҚШ доллар микдоридаги валютани иқтисод қилиш имконини беради. Лойиҳа маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар учун йилига 15 минг тоннадан зиёд пўлат, 10 минг тоннадан ортиқ чўян ва 500 тонна рангли металл қуйиш, шунингдек, 1200 янги вагон қуриш, 950 йирик ҳажмли контейнерлар ишлаб чиқариш ва 1500 юк вагонини қайта таъмирлаш имконини беради. Заводда нафақат темир йўл тизимидаги ишлаб чиқариш тармоқлари, балки мамлакатимизнинг етакчи машинасозлик саноати корхоналари учун ҳам зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2012 йилда юк вагонларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмокда. Жумладан, юк вагонлари капитал таъмирланиб, модернизация қилинмокда, янги юк вагонлари қурилмокда, чўян, металл ва рангли металл қуйиш, ҳаракат таркиби ва темир йўлнинг устки қисмини бутловчи эҳтиёт қисмлар, шунингдек, ностандарт металл конструкциялар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмакда.

Келгусида мамлакатимиздаги бошқа сонаот тармоқларининг қуюв маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали маҳсулотлар таннархини камайтириш мўлжалланмокда. Заводнинг юк вагонларини қуриш қувватини йилига 3 мингтагача ошириш, шунингдек, бошқа турдаги вагонларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилмокда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шaroитлар билан танишар экан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Бугунги кунда атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш жуда долзарб масаладир, — деди Президентимиз. — Шу боис ишлаб чиқариш жараёнида экологик тоза ва сифатли технологиялардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг машинасозлик ва металлургия соҳаларини ўзлаштири олишига шубҳа билан қараганлар ҳам йўқ эмас эди. Эртасига ишонган мамлакат халқига фаровон яшайди. Ўзбекистон бугун нафақат машинасозлик ва металлургия соҳаларида, балки темир йўл соҳасида ҳам барқарор тараққиёт этаётганига барча ҳавас билан қарамокда.

Металл қуйиш дунё микёсида оғир сонаотнинг энг етакчи ва мустаҳкам тармоқларидан бири саналади. Ўзбекистон ўзининг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олган давлат сифатида оғир сонаотнинг бу йўналишини ҳам ўзининг имкониятлари ва салоҳияти эвазига жаҳонда иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бир пайтда муваффақият билан ўзлаштирди.

Корхона юк вагонлари қуриш, вагон йиғув, тайёрлов ва комплекташ, механика-йиғув, қуюв, темирчилик-пресслаш, асбобсозлик, таъмирлаш-комплекташ, механик таъмирлаш, ёғочга қайта ишлов бериш, транспорт, компрессор, кислород, энергия қувват цехлари, автомобиль жиҳозларини таъмирлаш участкалари каби кўп тармоқли цехлардан таркиб топган. Бу ерда 5 километрдан зиёд темир йўл мавжуд.

Қуюв-механика заводининг янги металл қуюв цехи ва участкаларида вагон қуриш, мураккаб техника ва ускуналарни таъмирлашга имкон берадиган энг ноб ҳидравлик пресслаш, пармалас дастгоҳлари мавжуд.

Президентимиз корхонада ёш мутахассислар билан суҳбат асосида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус ботида хорижда ҳам кўпчилиكنинг ҳавасини тартаётганини қайд этди.

— Зукко ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни кўриб, уларнинг шижоатида, замонавий техника ва технологияларни осонлик билан ўзлаштираётганидан хурсанд бўлман, — деди давлатимиз раҳбари. — Албатта, ҳар қандай асбоб-ускуна, техника ва технологияни истиалганча сотиб олиш мумкин. Аммо касб ва маҳоратни, иқтидор ва қобилиятни сотиб олиб бўлмайди. Ўз иш фаолиятини бошлаган ҳар қандай ёш мутахассис улкан масъулиятни ҳис этиб, иш жараёнида қўлланиладиган замонавий техника ва технологияни ишлаштига тайёрланиб, деган саволни ўз олдига қўйиши, барча талабларга жавоб бериши, шижоат билан ишлаши керак. Ёшларнинг бундай замонавий технологиялардан фойдаланаётгани бизнинг катта ютуғимиздир.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
Анвар СААДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг 2013 йил 4 январдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Сирдарё вилоятида саккизта массивда 430 та уй-жой барпо этилмокда. Энг улуг, энг азиз байрам арафасида ана шу уйларнинг юзтаси ўз эгаларига топширилди.

● Наманган вилояти ўлкашунослик музейи ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида музейлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят жамоатчилиги, мутахассислар, тарихчи олимлар, адиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшлар иштирок этган фестивалда вилоят туманлари музейлари кўргазмаси намойиш этилди.

● Қарши шаҳрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилотта босқичи яқунланди. Касаба уюшмалари фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган танловда 15 бошланғич ташкилот ғолиблик учун беллашди.

● Шаҳрихонда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Фарғона водийси ёш ижодкорларининг «Шаҳрихонсой мавжлари» анжумани ўтказилди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган анжуманда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидан келган таниқли адиблар ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

● Навоий шаҳридаги «Жасур Навоий сервис» хусусий корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун банк томонидан ажратилган 73 миллион сўмлик кредит маблағи йўналтирилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Калифорния штатида давом этаётган ўрмон ёнғинлари натижасида ушбу ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ёнғинлар штатдаги Йосемит миллий боғига анча яқин келиб қолган 217 квадрат километр майдонга тарқалган. Живовланиши қийин бўлган тилсиз «ёв» бир неча минг уй-жой ва биноларга жиддий ҳавф туғдирмокда. Ёнғин Йеллоустон миллий боғининг 47 гектар майдонига ҳам зарар етказган.

● Швейцария олий техника мактабининг физик олимлари океанда ҳудди фазодаги каби қора туйнуқлар борлигини таъкидлашмокда. Уларнинг фикрича, шундай туйнуқлардан бири машҳур Бергмуд учбурчагида жойлашган. Денгиз гирдоблари ва космик қора туйнуқлар орасидаги ўхшашлик математик амаллар ёрдамида топилган. Олимлар ҳисоб-китоблар ёрдамида «ўлик» зоналарга тушган нарсалар уларда узок вақт қолиб кетиши мумкинлигини аниқлашди.

● Англиялик 72 ёшли қария Рэймонд Вудкок 122 метр баландликдан эластик арқон боғлаб сакраган ҳолда жаҳон рекордини ўрнатди. Рэймонд ўзининг бу сакрашидан тушган маблағни британиялик такси ҳайдовчилари ташкил этган хайрия фондига топширди. Таъкидлаш жоизки, тиниб-тинчимас бу қария Африкадаги Килиманжаро тоғига чиққан, Арктика музликларида ит қўшилган чанада 250 километр масофани босиб ўтган, 9 минг метр баландликдан парашют орқали сакраган.



Бу йил тўққизинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш мақсадида юртимизга дунёнинг олтинмишга яқин мамлакатидан ижодий жамоалар, созанда ва хонандалар, мусиқашунос ва нуфузли меҳмонлар ташриф буюрди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири ана шундай меҳмонлардан бири — Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳри мэри Датук Сери Ахмад Фейсал бин ТОЛИБ билан суҳбатлашди.

— Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг халқлар ўртасида дўстлик, эзгулик, меҳр-муруват ришталарини мустаҳкамлашда ўрни ва аҳамияти бекиёсди. Шу боис бу анжуманнинг жаҳон мусиқа оламидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда, — деди Куала-Лумпур мэри. — Ушбу фестиваль тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этишдек эзгу гояларга хизмат қилмоқда.

Бундай эзгу тадбир айнан Ўзбекистонда ўтаётгани тасодиф эмас. Ташрифим давомида юртингиздаги маданият саройлари, бог ва хиёбонларда бўлганимда ажиб бир тинчлик, осойишталик ва хотиржамликни ҳис қилдим. Одамлар бир-бирига ширинсўз, турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидек тинч-тотув яшамоқда. «Шарқ тароналари» фестивалида халқингизнинг ана шундай эзгу қадриятлари, Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

— «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этадиган малайзиялик санъаткорлар тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— «Шарқ тароналари» жаҳон халқлари мусиқа санъатидан баҳраманд бўлиш, ўз навбатида, мазкур нуфузли тадбирда иштирок этувчи ҳар бир мамлакатнинг миллий санъатини жаҳонга намойён этиш учун яхши имкониятдир. Бу ерда хонанда ва созанда ҳар ўз миллий асарини ижро этиш баробарида бошқа мамлакатлар санъатини ўрганади. Бу барча иштирокчи мамлакатларнинг миллий санъати дунёга ёйилиши ва танилишига хизмат қилади.

Малайзиялик санъаткорлар ҳам «Шарқ тароналари»да мунтазам иштирок этиб келаётир. Жорий йилда тўққиз кишидан иборат жамоамиз ушбу

нуфузли фестивалда қатнашади. Уларнинг ижод намуналари Ўзбекистон халқига, мазкур фестивалнинг иштирокчилари ва меҳмонлари ҳамда кўплаб мамлакатлардаги мухлисларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон ва Малайзия санъаткорлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш орқали халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

ДАТУК СЕРИ АХМАД ФЕЙСАЛ БИН ТОЛИБ: «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»НИНГ ЖАҲОН МУСИҚА ОЛАМИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА


— Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий каби кўплаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда.

Сайёҳлик Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигининг истиқболли соҳаларидан эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу борада мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга. Маданий ва маънавий яқинлик ҳамда ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими кўпайтиришда муҳим омил бўла олади. Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон билан Малайзия, хусусан, Тошкент билан Куала-Лумпур ўртасидаги ҳамкорликни савдо, иқтисодий, маданий ва сайёҳлик каби соҳаларда янада тараққий эттириш, шаҳарлараро бевосита ҳамкорлик ва таъриба алмашишни мустаҳкамлаш ниятидамиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боришига ишонаман.

— Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини қандай баҳолайсиз?



— Кўп асрлик тарих, бетакор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозоридagi нуфузи тобора ошиб бормоқда. Чунки Ўзбекистон — гўзал маданий ва тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва хушманзара масканларга жуда бой мамлакат. Бу сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб этувчи энг муҳим омиллардандир.

Бу заминда камолга етган буюк мутафаккирлар бой илмий-маънавий ва маданий мероси ҳисса қўшган, оламшумул кашфиётлари билан жаҳонга танилган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлод муносиб давом эттирмоқда. Мамлакатингизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадимжоларни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар таҳсинга сазовор.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларингиз азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказлари бўлиб келган. Дунёда бундай тароватли шаҳарлар кам. Бу муқаддас шаҳарлар инсоният бунёдкорлиги, ақлу заковати, тафаккури тимсолидир. Шарқ ва Фарбни бир-бирига боғлаб келган қадимий юртингиз ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади.

Мазкур халқаро фестиваль доирасида юртингиз ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлаётганимдан мамнунман. Мамлакатингиз билан барча йўналишлар қатори сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳам янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Нодира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди



Август кенгашлари

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Чилонзор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан 182-умумий ўрта таълим мактабиде «Қадр-қиммат, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг педагогик маҳорати ва касбий маданиятини юқори сифат даражасига кўтариш» мавзусида анъанавий Август кенгаши шўъба йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир очилишида Чилонзор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири в.б. Д.Усмонова 2012-2013 ўқув йилида таълим соҳасида олиб борилган ишлар ва келгуси ўқув йилидаги вазифалар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Сўнг сўзга чиққан таълим соҳаси мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан умумий ўрта таълим мактабларида биринчи синфдан чет тилини ўқитишга оид «Умумевропа компетенцияси» (CEFR) асосида Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг татбиқ этилиши; Таълим муассасаси раҳбарла-

рининг дарс таҳлиллари орқали дарс самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш йўллари, мактаб раҳбарлари ва педагогларнинг муомала одоби, кийиниш маданияти, хулқи ва нотиклик санъати, ўқитувчи имижига; Таълим жараёнига АКТни татбиқ этиш самарадорлигини оширишда электрон дарслик, проекцион-мультимедиа ва интернетдан фойдаланиш; Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилишини таҳлил қилиш орқали таълим сифатини ошириш йўллари каби долзарб мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини билдирдилар.

Август Кенгаши якунида тадбир иштирокчиларининг устоз ва мураббийларга муурожаатномаси қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Анжуманлар

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Миллий матбуот марказида Истиқлолимизнинг 22 йиллиги ва янги ўқув йилига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг масъул ходимлари, шаҳар малака ошириш институти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раҳбарлари, «Таълим-таъминот» корхонаси, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари ва таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирда шаҳримиздаги мавжуд халқ таълими тизими муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, биноларнинг таъмирланиши, инвестиция дастури ижроси, педагог ходимларнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги, Август кенгашларининг ташкил этилиши, ёш мутахассисларни ишга қабул қилиш, дарсликлар қабули, «Мактаб бозорлари» фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда шаҳримизда 290 та мактаб, 447 та мактабгача таълим муассасалари, 5 та Меҳрибонлик уйи, 17 та махсус мактаб-интернатлар, 30 та мусиқа ва санъат мактаблари, 12 та «Баркамол авлод» марказлари, 45 та спорт мактаблари ва шаҳар малака ошириш институти фаолият олиб бормоқда.

Инвестиция дастури доирасида 2013 йилда 19 та мактабда таъмирлаш ишлари бажарилиб, бу юмушларга

16 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳозирда ушбу мактабларда таъмирлаш ишлари якунида бўлиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бешта мусиқа, 2 та спорт мактабларида ҳам реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари М. Улуғбек, Ҳамза, Учтепа, Бектемир туманларидаги «Баркамол авлод» марказларида таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Ўз навбатида бундай ишлар якунига етган муассасалар босқичма-босқич замонавий мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминланади.

Ўқувчилар ва ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида 24 та умумтаълим мактабларида «Мактаб бозорлари» ташкил қилинган. Ушбу бозорлар биринчи сентябрга қадар фаолият олиб боради.

Янги ўқув йилига ўқитувчиларни методик жиҳатдан тайёрлаш, янгиликлардан хабардор этиш мақсадида Август кенгашлари ўтказилмоқда. Ушбу кенгашлар тўртта босқичда амалга оширилади. Ҳозирга қадар кенгашнинг Республика ва шаҳар босқичлари ўтказилди. Айни кунларда туманлардаги мактабларда Август кенгашлари давом этмоқда.

Матбуот анжумани қизиқарли фикр ва мулоҳазаларга бой тарзда, мазмунли ўтди. Унда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЧЖАН СЯО: «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ»

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳалларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги буюк давлат сифатида минтақада ва умуман, бутун дунёда тинчлик, осойишталик ва тараққиётни таъминлашга жуда муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан буён ўтган 22 йил мобайнида Президент Ислоҳ Каримовнинг оқилона раҳнамолигида ўз мақсадларига мос ривожланиш йўлини танлади ва ундан оғишмай, изчил бормоқда. Бунинг натижасида давлат мустақиллиги, суверенитети ва хавфсизлиги таъминланмоқда, замонавий иқтисодий индустрия шакллантирилди, қатор йиллардан буён ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларининг 8 фоиздан юқори бўлиши таъминланмоқда. Мамлакатингиз мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистонда ҳар йили қишлоқ хўжалик эканлигининг мўл ҳосил этиштирилиётгани ички бозорни тўлиқ таъминлаш ва экспорт ҳажмининг ошириш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси Марказий Осиё мамлакатлари, шунингдек, бутун жаҳонда кўпчилигининг ҳавасини тортимоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбарияти халқ ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор бериб, ҳар йили ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 60 фоиздан ортигини йўналтирмоқда. Президент Ислоҳ Каримов Мустақим оила йилидан сўнг 2013 йилини Обод турмуш йили, деб эълон қилди. Бу борада қатор аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди. Қишлоқчи комплекс ривожлантириш, замонавий ўй-жойлар қуриш, ёшларнинг ишга жойлаштиришга қўмаклашиш борасидаги изчил ишлар шулар жумласидандир. Амалга оширилаётган мазкур ишлар самарасида улкан иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришилмоқда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Бундай хайрли ишлар Ўзбекистон халқи томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон минтақада «уч ёвуз қуч»га қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқда, минтақавий инфратузилмани барпо этиш ва Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мамлакатингизнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашдаги иштироки тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа Ўзбекистоннинг буюк давлат сифатида халқаро майдондаги нуфузи мутасил ошиб, жаҳон аҳлининг кенг эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳақида нима дея оласиз?

— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 21 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида икки томонлама муносабатларимиз изчил ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги ташрифлари тобора фаоллашиб, ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланмоқда, хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги алоқалар изчил кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий масалаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда ва бу борада уларнинг позициялари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Шунинг алоҳида қайд этиш кераки, Президент Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда Хитойга давлат ташрифи чоғида давлатларимиз раҳбарлари икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилигани эълон қилдилар. Бу халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг гоят муҳим даври бошланганидан далолатдир. Бугунги кунда Хитой Ўзбекистоннинг энг йirik инвестициявий ва савдо ҳамкорларидандир. Бундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига жуда мосдир.

Айни пайтда, ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам жадал ривожланмоқда. 2012 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми икки томонлама муносабатлар ўрнатилган пайдан буён ilk бор 2,875 миллиард долларга етди. 2013 йилнинг биринчи ярмида товар айирбошлаш 52 фоиз ўсди. Нохомлаш ва инвестиция соҳаларида ҳам икки томонлама ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани бизни гоят қувонтиради. «Жиззах» махсус индустриал зонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу Ўзбекистон томонидан инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган муҳим стратегик чора-тадбирлардандир. Айни пайтда ушбу инфратузилма қурилиши низоҳасига етмоқда. Мазкур лойиҳа ўзаро амалий ҳамкорлигимизнинг янги босқичини бошлаб бериши, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилишига ишонаман.

Хитой Ўзбекистонни ҳар доим ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим ва ишончли шериги, деб билади. Ўзбекистон билан муносабатларга ўз ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қарайди ва уни ҳар томонлама ҳамда изчил ривожлантиришдан манфаатдордир. Хитой томони мамлакатларимизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга йўналтирилган ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлашга тайёр.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— «Шарқ тароналари» бутун дунёга йirik халқаро мусиқа фестивали сифатида танилди. Жаҳонга машҳур кўплаб санъаткорлар ва нуфузли халқаро маданият ташкилотларининг вакиллари унда иштирок этади. Бугун ушбу фестивал Ўзбекистоннинг бой тарихи ва миллий маданияти билан яқиндан танишиш учун ўзига хос восита, дунё, айниқса, Осиё мамлакатлари учун маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги муҳим имкониятидир. Хитой томони мазкур тадбирда кўп йиллардан буён фаол иштирок этиб келаётир ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

1 сентябрда Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг 22 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу сана ўзбек халқи учун ҳақиқатан ҳам энг улғун, энг азиз байрамдир. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришган дунё ва меҳнатсевар халқингизни ушбу байрам билан самимий табриқлайман. Ўзбекистонга равақ, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Анвар САМАДОВ
ёзиб олди



ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛНИНГ БУЮК МОҲИАТИ

Уч буюк замон бирлиги

Замон мавҳум тушунча эмас. У мантиқан учга — ўтмиш, бугун ва келажакка бўлинади. Халқ — ҳамиша тарихи билан тирик. Тарих фақат ўтмишигина эмас. У халққа, албатта, бугун, эртаси учун керак. Бу уч замон орасида нақди — ҳозирги замон. Чунки тарих ўтиб бўлган, келажак эса — ҳали олдинда...

Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб» асарига номаълум бир муаллифнинг мана бу шоҳона баитини келтиради:

**Мозию мустақбал аҳволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам — бу дамдур, дам — бу дамдур,
дам — бу дам.**

Сен ўтмиш билан келажак ҳақида гапиру, бугуннинг қадрини эътироф эт, баланд тут. Чунки энг муҳими, ҳар ким ўтиб бораётган вақтининг нақдлигини унутмаслиги, уни ганимат билиб, имкони борича мазмунли, фойдали ўтказишнинг тадориғини кўравериши керак.

Уч буюк қудрат

Дунёда буюк тушунчалар, муқаддас қадриятлар кўп. Лекин уч тушунчанинг булар орасида ўзгача ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

БУ — ХАЛҚ, ВАТАН, ДАВЛАТ.

Уларни бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ бўлмаса, Ватан ва давлат тушунчаларига эҳтиёж ҳам қолмайди. Ватан бўлмаса, халқ қаерда яшайди-ю, қай гўшада давлат қуради? Халқ бўлса-ю, Ватан бўлса-ю, давлат бўлмаса, бу халқ ва Ватаннинг бахти — кемтки...

Ўзбекистон деган буюк тушунча — аслида, ана шу уч тимсолнинг бирлигидан иборат.

Тўғри, 1991 йилнинг 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. Ўзбекистон деган ҳудуд шу-шу эди. Демак, Ватан ҳам бор эди. Фақат нима йўқ эди? Халқнинг қўлида миллий давлати йўқ эди. Бошида ўз давлати йўқ халқнинг пешонаси — шўр, бахти ҳам — ярим-та. Ўз-ўзидан, нони ҳам бутун эмас. Ахир, Ватан бўлса-ю, унга ўзинг эга чиқолмасанг. Халқнинг бўлса-ю, юрак ютиниб «халқим» дейилмасанг. Республика мадҳиясини аввал ўзингдек бошқа бир халққа салом бериб бошласанг...

Мустақиллик халқни **ДАВЛАТГА** эга қилди. **Шундан бунён 1 сентябрни Ўзбекистон Республикасининг ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ** кунини сифатида катта тантаналар билан нишонлаймиз.

Уч буюк ислохот

Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда навбатдан ташқари бўлиб ўтган ўша тарихий сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги билан бирга халқ ва мамлакат тарихидаги яна бир янгиликни — собиқ социалистик тузумдан воз кечиш, унинг ўрнига янги демократик тузум, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишни эълон қилди. Ана шу янги жамиятни қуриш учун **уч йўналишда — сиёсий, иқтисодий ва маънавий** соҳаларда ислохотлар олиб борилиши қайд этилди.

Ўтган 22 йил мобайнида мамлакатимизда ана шу уч ислохот изчиллик билан амалга ошириб келинган.

Уч буюк рамз

Давлат бўлганидан кейин унинг рамзлари ҳам қабул қилиниши керак эди. Бу давлат рамзлари қаерда бўлса ҳам, давлатни англатиб, уни ифодалаб туради.

1991 йилнинг 18 ноябрда Давлат байроғини, 1992 йил 2 июлда Давлат гербини, 1992 йил 10 декабрда эса Давлат мадҳиясини қабул қилдик.

Ватаннинг ўзи каби Давлат рамзлари ҳам муқаддас саналади.

Уч буюк босқич

Истиклолнинг 22 йили — тарихан жуда қисқа бир давр. Шунга қарамай, ана шу муддатда мамлакатимиз улкан ютуқларни кўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу ҳақда айтган мана бу сўзлар бизни серғакликка ундайди: «...Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомидида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман».

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент дивонининг 2007 йилнинг 30 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзuida қилган маърузасида яқин ўтмишга ҳолисона ва таҳлилий баҳо берилди, келажак стратегияси белгиланб олинди.

Президент илк бор истиклол даври босқичларини икки даврга ажратиб берди. **Биринчи давр 1991 — 2000 йилларни қамраб олади.** Уни Юртбошимиз «миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган — мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтмиш даври» деб номлади. **Иккинчи давр эса 2001 — 2007 йилларни қамраб олади.** У «фаол демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври» дейилди. Айнан ана шу иккинчи босқич иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, конунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда гоёта муҳим ўрин тутди.

Масалага шу нуқтадан назардан ёндашсак, **2008 йилдан мамлакатимизда ислохотлар изчил давом этиб, юксалиш янада кучайди.** Шу нарса аниқки, мамлакат барқарор ривожланиш, яъни юксалиш даврига кирди. Худди шу даврга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам юз берганига қарамадан, мамлакатимизда ҳар йили

ҚАДР-ҚИММАТИ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ошиб бораётгани ҳам бунинг яққол далили бўла олади.

Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мамлакатимизда бу йил 7 миллион 710 минг тоннадан зиёд галла йиғиб олинди. Бу ҳудудда тарихда ҳеч қачон бунча кўп галла етиштирилмаган эди. Зеро, — ўтган йилгидан ҳам 500 минг тонна ошиқ. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир маҳалда Ўзбекистонимизнинг бу ютуғини ҳаммамиз қувонч билан ҳис этиб, бунинг замиридаги оқилона сиёсатни қадрлашимиз керак.

Уч буюк иншоот хосияти

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб йирик корхоналар ва иншоотлар қад ростлади. Улар қаторида истиклолнинг **дастлабки ўн беш йилида** уч буюк корхона ҳам бунёд этилди.

1996 йили Асакада автомобил ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Бу билан юртимиз жаҳондаги автомобилсозлик йўлга қўйилган 28 мамлакатнинг бирига айланди. Ҳозир Ватанимиз йўлларида ҳаракатланаётган автомобилларнинг кўпи ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Энди шунча машинага етадиган ёнилғи ишлаб чиқариш, мамлакатнинг нефть мустақиллигига эришиш керак эди. **1997 йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи** ишга туширилиши билан нефть мустақиллигини кўлга киритдик.

2006 йили ишга туширилган Кўнгирот сода заводи эса бу улкан саноат марказларининг учинчиси бўлди. Оролнинг қуриши оқибатида жуда катта майдонларни туз қоплади. Олимлар ўрганган, бу тузларда ойна, яъни шиша ишлаб чиқаришда керак бўладиган сода учун зарур таркиб бор экан. Заҳираси 100 йилга етар экан. Қувасойдаги ойна заводи сода хомашёсини хориждан олиб келар эди. Энди эса бундай ноёб сода ҳам ўзимизга етати, ҳам уни четга экспорт қилишимиз.

Кейинги йилларда яна уч буюк иншоот уларга ҳамроҳ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 майдаги Қарори асосида барпо этилиб, **2010 йили ишга туширилган Дехқонбод калийли ўғитлар за-**

Биринчидан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари эли мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлани, юқини олиб келиши, етиштирган маҳсулотларини, жумладан, Асакадаги автомобиль заводида яратилган машиналарни олиб чиқиши учун қулай имкониятга эга бўлди. Иккинчидан, водийдаги ишлаб чиқариш корхоналари хомашё билан таъминланипти, айниқса, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига Ангрендан катта-катта маҳсус машиналарда кечая кундуз нефть хомашёси ташилляпти.

Шу тариқа мамлакатнинг шарқи коммуникатив жиҳатдан мустақамланди.

Ўзбекистонимизнинг шимолида жойлашган икки минтақамиз — Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилояти ҳам маълум даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёққа борадиган темир йўл Туркменистон ҳудудидан ўтар, Бухоро вилоятдан чиққанидан кейин қўшни давлат чўллари узра нақ бир кун юрилар эди. Аввало, вақтдан ютқазилар, қолаверса, бож ҳам тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб, умумий узунлиги 633 километрни ташкил этадиган **Навоий — Учкудуқ — Султонувайсого — Нукус темир йўли** ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятлари — ўзаро қўшни. Бироқ Қаршидан Термизга бориш учун поезд Туркменистон ҳудудидан соатлаб юриши керак эди. 2007 йилнинг августда жами 223 километрни ташкил этган **Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон йўли** ишга туширилди.

Шу тариқа жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маҳкам уланди.

Президент Ислам Каримов юқорида тилга олинган 2007 йилнинг 30 августдаги маърузасида «юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига ҳам республикамизни жадал тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилаётган»ини, биз санаб ўтган шу уч буюк йўлнинг «бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик бекиёс эканини» алоҳида қайд этди. Таъкидландики: **«Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди».**

Уч буюк сўз шарофати

Президент Ислам Каримовнинг давлат ва халқ учун буюк хизматларини эътироф этишнинг аҳамияти шундаки, ўзбек халқининг бу улғу фарзанди ҳаёти ва фаолияти мазмун-моҳияти — уч буюк сўзга муҳассам. Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқининг равнақи учун **ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОХОТ ВА ИСТИҚБОЛ** йўлида амалга ошираётган эзгу ва улғувор ишларидан барчамиз ғурурланамиз ва фахрланамиз.

«Истиқлол», «ислохот» ва «истиқбол» деган бу уч буюк сўз моҳиятида улкан теран ва кўп маънолар бор.

Уч буюк тамаддун

Ўзбек халқи истиқлолга буюган тарихида икки бор буюк миллий тамаддуни бошидан кечирди. **Биринчиси айнан IX асрда юртимиз истилодан қутулиб**, алоҳида давлат барпо этганимиздан, **иккинчиси эса XIV асрда мўғул истибдодидан халос бўлганимиздан** кейинги даврда юз берди.

Тўғри, XX асрда ҳам тамаддуний тараққиётга уриниш кучайди. Буни, асли, ҳадид маърифатпарварларимиз бошлаб берган эди. Лекин шўро даври миллат мунавварларининг миллий тараққиёт ҳақидаги барча ширин орзуларини чилпарчин қилиб ташлади. Бир ҳақиқатга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак: ҳеч қачон бошқа бир давлатга қарам мамлакатда чинакам тамаддун юз бермаган, юз бермайдиган ҳам.

Айнан мустабид тузум истилосидан қутулиб, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз тарихидаги **учинчи умуммиллий тамаддун бошланди**, деб баралла айта оламиз.

Ҳар қандай тамаддун, аввало, буюк шахслар меҳнат-машаққати, ақлу зақоси, саҳоиятининг ҳосиласи ҳисобланади. Юртимизда кечаётган ана шу тамаддун, яъни умуммиллий тараққиёт жараёни — Президент Ислам Каримов номи, жасорати, фидойилиги билан бевосита боғлиқ.

Давлат сиёсатида ташланаётган ҳар бир қадам, қабул қилинаётган ҳар бир фармон, қарор, фармойиш, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат яхлит тизимга асосланиши, бирини иккинчиси инкор этмаслиги, бири иккинчисидан келиб чиқиши, бири иккинчисига мос тушиши, бунда буюк бир уйғунликка амал қилиниши лозим.

Шулардан келиб чиқилса, давлат раҳбарининг зиммасига қанчалик улкан масъулият юкланганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шахснинг жамиятдаги ўрни — бекиёс. Шундай замонлар келдики, бутун бир халқ бир буюк шахс тимсолида майдонга чиқди. Чунки у **дадил туриб**, халқни ёрув келажак сари етаклади.

Президент Ислам Каримов жамиятнинг мустақилликдан — мустақилликка; мустақилликдан — озодликка; қолоқликдан — илғорликка; агар давлатдан — саноати ривожланган мамлакатга; тоталитаризмга асосланган бюрократик тузумдан — демократик таъминланган устувор бўлган жамиятга; тепадан туриб тузиладиган режа билангина иш кўрадиган ишлаб чиқаришдан — бозор муносабатлари, яъни ўзаро рақобат асосидаги ривожланишга; яқна мафкура ҳукмрон жамиятдан — кўппартиявийликка асосланган жамиятга; маънавий парокандаликка юз тутган жамиятдан — маърифатли жамиятга; кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишига қатъий киришди ва бу борада улғувор ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз шу тариқа **Ўзбекистоннинг БУЮК КЕЛАЖАГИНИ** бунёд этиш йўлида халқимиз ва Ватанимизни олам аро машҳури жаҳон қилди.

Юз йиллар ўтар, минг йиллар кечар, шу муқаддас заминда одамдод яшар экан, келажак авлодлар айнан **ИСТИҚЛОЛ** даврини, ҳусусан, унинг **ТАШАББУСКОРИ, РАҲНАМОСИ, АСОСЧИНИ** ҳамиша буюк куч, юксак адолат тимсоли сифатида қадрлайди ва эътироф этади.

Олим МАҲМУДОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Ақл мақсадга етказди...

* * *

Баъзилар билмаган
нарсасини инкор этади.

* * *

Ҳар нарса ўз ўрнида иш
беради.

* * *

Қизғанчиқнинг моли
увол.

* * *

Зиқнанинг егани юқмас.

* * *

Пала-партиш кишининг
ишида барака бўлмайди.

* * *

Шунчаки кўнгил учун
қилинган таклифни қабул
этма.

* * *

Ҳаёт қутилмаган муаммо
ва ечимлари билан кишини
лол қолдиради.

* * *

Имкон борида фойдаланиш,
йўғида сабр қилиш
керак.

* * *

Ҳеч нарса инсонни руҳий
азоблардек толиқтирмайди.

* * *

Янгилик ҳамиша ўзига
жалб қилувчи бўлади.

* * *

Бир фикр иккинчисига
туртки беради.

* * *

Тажрибасизлик кишига
ҳар қадамда панд беради.

* * *

Ўғрилиқни яширган
ўғрилиққа шерик ҳисобланади.

* * *

Кимни кўзи фош этади,
кимни сўзи.

* * *

Нима хоҳлашини бил-
майдиган киши чинакам
дангасадир.

* * *

Умринг ҳар бир палласи
бир ибрат мактабидир.

ЎЗИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

иссиқ бўлади.
Ўзидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотида кўра,
30 ва 31 августда
Тошкент шаҳри
об-ҳаво шароити шаҳар
ҳаво муҳитида зарари
моддаларнинг бир оз тарқ-
алиб кетишига имконият
5-10 метр, қулайган
ҳолда секундида 12-17 метр
тезликда шамол эсади.
Ҳарорат кечаси — 13-15,
кундузи — 25-27 даража
нот бўлади.

DAVR-BANK

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги барчангизга муборак бўлсин. Жаннатмакон юртимизнинг осмони доимо мусатфо, истиқлолимизнинг умри боқий бўлсин. Оилангизни тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака ҳеч қачон тарк этмасин.

"DAVR BANK"

ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН
БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ
ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЖАМОАСИ**

шаҳримиз аҳолиси ва
пойтахтимиз
леҳмонларини
Мустақиллигимизнинг
22 йиллиги байрами билан
салтанат муборакбод этади.

Бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш,
оилаларни мустаҳкамлаш борасида
масъулиятни ўз зиммасига олган жамоамиз
доим сизларнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган

"8-АВТОБУС САРОЙИ" ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни
Истиқлолимизнинг муборак
22 йиллиги билан чин юракдан
қутлайди.

Эркин ва фаровон, обод ва нурафшон
ҳаётимизга кўз тегмасин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"7-АВТОБУС САРОЙИ" ЖАМОАСИ

юртдошларимизни улуғ айём —
Мустақиллигимизнинг
22 йиллиги билан қутлайди.

Истиқлол айёми хонадонларимизга
осойишталик, оилаларимизга
хотиржамлик бахш этиб,
қалбларимизни қувончга тўлдирсин!

22
йил

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Қалбларимизга эзгулик улашган ҳолда кириб
келаятган буюк ва муқаддас Ватанимиз
Мустақиллигининг 22 йиллиги байрами
барганизга муборак бўлсин!

Байрам шукухи ҳар бир хонадонга файз-барака
олиб киришига, юртимиз янада обод бўлишига
тилақдошимиз.

"18-АВТОБУС САРОЙИ" ЖАМОАСИ



ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT “САВДОГАР БАНКИ” ЖАМОАСИ

*барча юрtdошларимизни халқимизнинг
Энг қиз ва энг азиз байрами —
Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги
билан сатимий туборақбод этади.*

**Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча эзгу
ишларингизда улкан муваффақиятлар
тилаймиз.**



**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш,
Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод ҳамда Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари
фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ
депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ишчи гуруҳи билан ҳамкорликдаги қўшма
йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг мутасадди раҳбарлари, туман хотин-қизлар кўмитаси раислари, ички ишлар бошқармаси масъул вакиллари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

Кун тартибидagi Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси якунлари тўғрисидаги масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи раиси, сенатор Ф.Абдурахимованинг ахбороти тингланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 22-23 август кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида қабул қилинган «Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги қарорига атофлича тўхтаб ўтилди.

Маълумки, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюмин корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантивчи моддаларни, шу жумладан 200 тоннадан ортиқ гофат хавфли ҳамда одамлар ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Ҳозирги вақтда «Талко» ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг миқдори салбий таъсир чегарасидаги кон-

центрациядан ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Сенат қарорига Ўзбекистон ҳудуди доирасида «Талко» ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ



ҳамда камайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар, ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, барча манфаатдор халқаро экологик ташкилотлар, БМТ тузилмалари, парламентлар, ҳукуматлар ва халқаро жамоатчиликнинг эътиборини «Талко» ДУКнинг фаолият зонасидаги тобора мушкуллашиб бораётган экологик ҳалокатни бартараф этишга, ушбу зарарли ҳамда одамлар соғлиғига ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартириш бўйича шошилч чоралар кўришга қаратилгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқа-

радиган касаллик (ОИВ-инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ва бошқа қабул қилинган қонунларга атофлича тўхталиб, ушбу муҳим ҳужжатларнинг моҳиятини кенг аҳолига тушунтириш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия йиғилишида Ҳамза ва Миробод туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги муҳокама этилди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2013 йил 15 январдаги «2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ камраб олиш, ёшларнинг 12 йиллик мажбурий таълим олишини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий идоралараро комиссиясининг фаолияти ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишига оид масалалар атофлича кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н.Насимов, Ж.Кульмухамедов, Е.Борисова, М.Рахматуллаева, Д.Аюпов, А.Шин, К.Шокирова, Ҳамза тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси А.Идрисова, Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Мадаминаова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Мўминов, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Мамажонов, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Акайдинов, Ички ишлар бош бошқармасининг масъул ходими Х.Содиқов, Вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссиясининг масъул котиби М.Раҳимов ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар бўйича доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



XALQ BANKI

**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат
ХАЛҚ БАНКИ Тошкент шаҳар филиали
жамоаси юрtdошларимизни
Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами
билан табриклайди!**

**Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон,
осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!**



Xalq banki - doim siz bilan birga!

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
ҳузуридаги Ўзбекистон — Корея
ахборот технологиялари ўқув
маркази унитар корхонаси Корея
халқаро ҳамкорлик агентлиги
(KOICA) томонидан замонавий
техник воситалар билан қайта
жиҳозланди. Шу муносабат
билан корхонада тадбир ташкил
этилди.**

Мазкур ўқув маркази 2004 йилда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан ажратилган грант маблағи эвазига ташкил этилган бўлиб, унда шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотларнинг масъул ходимлари замонавий компьютер ускуналарига, шу жумладан интернет ва локал компьютер тармоқларидан фойдаланиш бўйича босқичма-босқич ўқитилиб малакаси ошириб келинмоқда.

Тингловчилар бир ой давомида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режа ва ўқув дастурига асосан тажрибали мутахассислар ёрдамида малакаларини ошириб боради.

Малака ошириш курси давомида тингловчилар республикада ахборот-коммуникация технологияларининг бугунги кундаги ҳолати ва ривожланиши, ахборот технологиялари ва тизимлари, интернет ахборот тизими ва давлат бошқарувида унинг имкониятларидан фойдаланиш каби мавзуларда маърузалар тинглаб, ахборот технологиялари бўйича амалий машғулотларда иштирок этадилар. Курс якунида тингловчиларга малака ошириш курсини тугатганлиги тўғрисидаги халқаро сертификат ҳам берилди.

Ўқув марказига замонавий техника воситаларини топириш маросимида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ижрочи директори, Корея Республикаси элчихонаси вакиллари ҳамда малака оширувчилар иштирок этди.

Абдуалим САЛИМОВ

Фуқаролик жамияти сари

Мустақиллик барча соҳалар равақи учун омил бўлди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими — маҳалла институтини такомиллаштириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Аниқроғи, маҳалла мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Зеро, маҳалла асрий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимиз кўзгуси, демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, маҳалла институти бугунги кунда тобора тараққий этиб, ваколатлари кенгайиб бормоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга биноан, маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига, юридик шахс сифатида мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкда ўз ҳисоб-китоб рақамига эга бўлди. Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик шарофати билан Ватан ичра кичик бир Ватан ҳисобланмиш маҳаллаларнинг ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ташкил этиши учун барча қонуний асослар ва шарт-шароитлар яратилди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ролини ошириш борасида ушбу тизимда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, кўплаб хайрли ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бинобарин, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосларини ташкил этувчи пойдевор вазифасини ўтайди. Фуқаролик жамиятининг моҳиятини ҳам айнан ўзини ўзи бошқариш ташкил этади. 2010 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган жамиятимизни демократлаштириш ва ислоҳ этишнинг янги босқичини бошлаб берган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти бўлиши маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин муносабатларини таъминлаш йўналишлари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг яқинда кучга кирган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун эса бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида ҳам маҳаллалар ҳудудиде таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, шунингдек, намунавий маҳаллаларни ташкил этиш орқали ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини жонлантириш, бу борада олиб борилаётган ишлар қўламини ва мазмунини янада бойитиш мақсадида яна бир хайрли ташаббусга қўл урилган эди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2011 йил 29 мартда «Тошкент шаҳрида «Намунавий маҳалла» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинганди. Ушбу қарорга биноан, қисқа вақт ичида салмоқли ишлар амалга оширилди. Маҳалла ҳудудларидаги кўп қаватли уйларнинг томлари, ташки томонлари, муҳандислик тармоқлари, лифтлири, кириш йўлакларни таъмирланди, савдо корхоналари ва ижтимоий соҳа объектларининг ташки қўрилиши тартибга келтирилиб, улар ҳудудиде ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Шахсий автомобилотранспорт воситалари сақланадиган жойлар, болалар ўйин майдончалари барпо этилиб, кўчаларга янгитдан асфальт ётқизилди.

Уша йили Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси «Тошкент бош план ЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюмаси, «Тошшаҳарнур» ДУК, «Махсустранс» корхонаси, шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг фаол иштирокида пойтахтимизнинг барча туманларидан танлаб олинган Хусайн Бойқаро, «Толариқ», «Роҳат», «Янги Қўйлиқ», «Уйғониш», «Катта Яланғоч ота», «Оқибат», «Хонобод», «Шифокорлар», «Жийдали», «Тинчликбод», Фарҳод, «Янги Белтепа», Ибн Сино, «Бинокор», «Ўрта Масжид», «Қатортол», «3-Катта Чилонзор», «Қашқар», «Қушбеги» ва «Бошлиқ» маҳаллаларида кенг қўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, улар буткул янги қиёфа касб этди. Бу маҳаллаларда ариқлар тозаланиб, болалар ўйин майдончалари, автотураргоҳлар, кичик стадионлар қурилди. Мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилди, боғ ва хиёбонлар бунёд этилди, ноқонуний қурилмалар олиб ташланди.

Ўтган йиллар давомида шаҳримизда бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилди. Хусусан, 2013 йил — «Обод турмуш йили»да ҳам Мустақиллигимизнинг қутлуг 22 йиллик тўйини муносиб қутиб олиш мақсадида 1 июлга қадар «Намунавий маҳалла» лойиҳаси асосида Бектемир туманидаги «Миришкор», «Роҳат», «Зилола», «Истиқлол», Миробод туманидаги «Мустақиллик», «Олмазор», «Чинор», Мирзо Улуғбек

туманидаги «Шаҳриобод», Олмазор туманидаги Аҳмад Яссавий, «Мустақиллик», «Ёшлик», Сергели туманидаги «Маданият», «Халқобод», Абдурахмон Жомий, Учтепа туманидаги «Богистон», «Кўҳна Чўпонота», Юнусобод туманидаги «Чинор» ва Яккасарой туманидаги «Ўрикзор», Абдулла Авлоний, «Ракат» каби маҳаллаларда кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, уларнинг қиёфаси янада чирой очди. Жумладан, ўтган ярим йил давомида юқоридаги маҳаллаларда умумий ҳисобда 99 та уй фасад, 1 минг 873 та кириш йўлаги, 41 та лифт кабиналари таъмирдан чиқарилди. 4 минг 788 та гараж, 1 минг 37 та ноқонуний қурилма ва ўровлар бузилди. 13 минг 400 квадрат метр ички йўл ва йўлакка асфальт ётқизилиб, 14 минг 600 погон метр ирригация ҳамда 8 минг погон метр бордюрлар таъмирланди ва янгиланди, 1 минг 153 та ўриндик ўрнатилди, 73 та автотураргоҳлар, 113 та болалар майдончаси ва 24 та қурикланадиган чикинди йиғиш майдончаси барпо этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан 3,9 километр иссиқлик тармоқларининг изоляцияси тикланди, 9 та иссиқ ва совуқ сув таксимлаш пункти биноси, 248 та трансформатор подстанцияси таъмирланиб, атрофини бетонлаш ишлари бажарилди, 81 та газ таксимлаш пункти тафтишдан ўтказилиб, бўялди. 5 минг 646 та ташки ёритгич, 149 та иссиқлик таъминоти, 398 та совуқ сув ва 421 та оқава сув таъминоти қудуги таъмирдан чиқарилди.

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА



Шаҳримиз маҳаллалари ободлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида бир неча мутасадди шахслар билан суҳбатлашдик. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Холида ФОЗИЛОВА,
Юнусобод туманидаги «Чинор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 54 та кўп қаватли уй бўлиб, аҳоли сони 12 минг 500 нафарни ташкил этади. Баланс қаватли уйларимизда кўп миллатли аҳоли истиқомат қилади. «Обод турмуш йили» муносабати билан «Намунавий маҳалла» лойиҳаси доирасида бизнинг маҳалламизда ҳам кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, 486 та темир гараж олиб ташланиб, ўрнида болалар майдончаси, спорт иншоотлари ҳамда очик турдаги автотураргоҳлар қурилди. Ҳозирги пайтда маҳалламиз аҳоли бундай ўзгаришлардан мамнун, ўзлари ҳам ташаббус кўрсатишмоқда. Бу ишларни амалга оширишда бизга ҳамкор ташкилотлар катта ёрдам беришди.

Ҳозир бу ўйингоҳларимизга ҳар битта уйдан, ҳар бир ширкатдан мураббийлар тайинланган. Болалар майдончасида мураббийлар бошчилигида ҳар шанба кун ҳашар уюштирилиб, ободончилик ва тозалик ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳалламизда илгари иккита автотураргоҳ мавжуд бўлган бўлса, «Обод турмуш йили» муносабати билан, шунингдек, «Намунавий маҳалла» дастурига кўра, улар сони 12 тага етказилди. 16 та болалар майдончаси қурилди. Буларнинг ҳаммаси ҳомийлар, маҳалла аҳоли, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида олиб борилди.

Дилфуза МАХКАМОВА,
ушбу маҳалла фаоли:

— «Обод турмуш йили» муносабати билан маҳалламизда ҳашар йўли билан кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги пайтда ободонлаштириш ишлари билан биргаликда фаоллар ва ёшлар ҳамкорлигида Оталар чойхонасини замонавий тарзда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳалла гузарининг қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Унинг таркибидан новвойхона, сартарошхона, пойабзал ҳамда мебель таъмирлаш ус-тахоналари ўрин олади.

Убайдулла АСАДОВ,
Яккасарой туманидаги «Ўрикзор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Бизнинг маҳалламиз ҳам бу йилги «Намунавий маҳалла» лойиҳасидан ўрин олган бўлиб, йил бошидан буён эски гаражларни олиб ташлаб, ўрнига замонавий автотураргоҳлар барпо этиляпти. Шу кунгача бизда битта

автотураргоҳ ишга туширилди. Бобур кўчасидаги 18-уй олдиде яна бир автотураргоҳ қурилиши битай деб қолди. Учунчисида ишлар жадал амалга оширилмоқда.

Маҳалламизда 33 та кўп қаватли уй мавжуд. Улар орасида 10 та ўйин майдончаси қурилди, бундан ташқари, спорт майдончаси ҳам бунёд этилди. 2012 йили 74 та эҳтиёжманд оила мавжуд эди. Уларнинг турмуш даражасини ошириш, оила аъзоларини иш билан таъминлаш, ёшларни ўқишга жалб этиш ишлари ҳомийларимиз ёрдамида ҳамжихатлик билан олиб борилмоқда.

Абдурахим АХМЕДОВ,
Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда қарийб уч мингга яқин одам истиқомат қилади. Жорий йилда бир қатор ишларни амалга оширдик. Жумладан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Намунавий маҳалла» лойиҳасига кўра 30 га яқин гаражни бузиб улар ўрнига замонавий автотураргоҳ қурилди. «Эркин сервис» ХУЖМШга қарашли 27-, 75-, 77-уйларнинг фасад қисмлари, «Ёрбек» ХУЖМШга қарашли 17-, 18-, 19-уйларнинг кириш йўлакларни қайта таъмирланди. Шунингдек, 2а-уйнинг ертўласида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишлари бошлаб юборилди. «Ёрбек» ХУЖМШга қарашли болалар майдончасига 3 та, «Ирисхон сервис люкс» ХУЖМШга қарашли болалар майдончасига 2 та янги аргимчоқ ўрнатилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам айтишга арзигулик ишларни қилдик. 600 дан зиёд мевали ва игнабаргли дарахт ва 300 дан ортиқ гул кўчати экилди. Ёшларнинг бандлигини таъминлашга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. «Sangren tex» ва «Gold dried fruits» корхоналарига ишга жойлаштириш борасида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз.

Фуркат МАХМУДУЖАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари:

— Бугунги кунда шаҳримизда «Намунавий маҳалла» дастурининг иккинчи босқичи ишлари қизгин паллага кирмоқда. Бу босқичда шаҳримиз бўйича жами 38 та маҳаллани янада обод, кўркем ва озода қилиш кўзда тутилган. Асосий мақсад — бошқа гўшалар қатори, мазкур маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам бутунлай янгича қиёфа касб этган ҳолда ўзгача чирой билан

Мустақиллигимизнинг қутлуг 22 йиллик тўйини муносиб қутиб олишга эришиш. Иккинчи босқич режасига кўра, 141 та уй йўлакларни таъмирланади, 1 минг 610 та уй йўлакларни ёритгичларини тартибга келтирган ҳолда таъмирланади, 262 та лифт кабиналари, 76 минг 979 квадрат метр ҳажмда турар жой даҳаларидаги тротуар ва йўлаклар жорий таъмирдан чиқарилади, 5 минг 378,5 погон метр ирригация тармоқлари жорий таъмирланади ва янгиланади, 5 минг 776 погон метр бордюрлар алмаштирилади, 945 та ноқонуний қурилма олиб ташланади. Бундан ташқари, 400 дан ортиқ янги болалар майдончаси, 104 та автотураргоҳ ташкил этилади, кўплаб чикинди ташлаш майдончалари қурилади, ноқонуний ўров ва алоҳида иморатлар йўқотилади. Бунда «Намунавий маҳалла» дастурига мувофиқ ҳар бир маҳалла бўйича амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар режаси ва уларнинг бажарилиши мuddати белгиланган. Масалан, Миробод туманидаги «Афросиёб» маҳалласини олайлик. Режага мувофиқ ушбу маҳалла ҳудудидеги 14 та уй фасадлари, 54 та лифт кабиналари, 2 минг 200 квадрат метр ҳажмдаги тротуар ва йўлакларни, 220 погон метр ирригация тармоқларини таъмирлаш ва янгилаш, 280 погон метр бордюрларни алмаштириш ва 8 та ноқонуний қурилмаларни йўқотиш кўзда тутилган ва юқоридаги ҳар бир йўналиш бўйича ишларнинг ўз мuddатида бажарилишига эътибор қаратилади. Буларнинг бари туманлардаги кўп қаватли турар жой биноларини, ер ости муҳандислик тармоқларини, ҳудудларро йўл ва йўлакларни қайта таъмирлаш, спорт ва болалар майдончаларини ташкил этиш ишларини янада яхшилашга тўлиқ имкон яратади.

Албатта, ушбу ободонлаштириш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини халқимиз ибораси билан айтганда фаровонлик белгиси сифатида таърифлаш мумкин. Зеро бундай хайрли ишлар давом эттирилаверади, демак, шаҳримиз янада чирой очиб, файзига файз қўшилади. Уйлаймизки, Истиқлолимизнинг қутлуг тўйини, бошқа соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар қатори, маҳаллаларимиз ҳам юқоридаги каби салмоқли ютуқлар ва янгиланишлар билан муносиб тарзда қутиб олади.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Яккасарой туманидаги «Ўрикзор» ва Юнусобод туманидаги «Чинор» маҳаллалари «Намунавий маҳалла» лойиҳаси доирасида амалга оширилган кенг қўламдаги ишлардан сўнг мана шундай чирой очди.

Ислом Исмоилов олган суратлар

ЁШЛАРНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Учтепа туманидаги 123-умумтаълим мактабида умумтаълим мактабларининг синф раҳбарлари, услубий бирлашма раҳбарлари ҳамда «Камолот» ЁИХ етакчилари иштирокида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида анъанавий Август кенгаши ўтказилди.

Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашда умумтаълим мактабларининг роли», «Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юсак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларда гоёвий иммунитетни шакллантиришда синф раҳбарларининг роли», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг, умумий ўрта таълим мактаблари болалар ташкилоти етакчиларининг фаолияти самарадорлигини ошириш» ҳамда «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари» мавзуларида фикр юритилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ёш авлоднинг келажакка дадил қадам қўйиши ва истиқлолимизнинг миллий гоёларини ёшларимиз онгига чуқур сингдиришдан иборатдир, — дейди 123-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари М.Мавлонова.

Зафар НАЗАРОВ

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТЛАР

Мудофаага кўмаклашувчи «Яккасарой-Ватанпарвар ЎСТК» ташкилоти томонидан уюштирилган байрам тадбири «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Истиқлол берган неъматлар» деб номланди.

Тадбирда Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Б.Юсупов, сиёсий шарҳловчи Қ.Каримбеков, «Камолот» ЁИХ туман бўлими раиси вазифасини бажарувчи К.Тўраев, «Ватанпарвар ЎСТК» ташкилоти директори А.Жумаевлар сўзга чиқиб, мустақиллиқнинг қадр-қиммати, айна пайтда Истиқлолнинг маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятимиз ривож, ватанпарварлиқни мустаҳкамлашга йўл очганини айтиб ўтдилар, мустақиллик туфайли халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида эътиборга молик кўпгина ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

— Мустақиллик энг олий неъмат, — дейди «Яккасарой — Ватанпарвар ЎСТК» бошланғич ташкилоти раиси Санобар Боматова. — Йигирма икки йил давомида қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар, барпо этилган муҳташам иншоотлар, яратилган боғлар, равон кўчалар нафақат мамлакатимиз, балки дунё халқлари ўртасида ҳам алоҳида эътирофга лойиқ бўлмоқда. Шундай жаннатмакон юртда туғилиш, яшашнинг ўзи буюк бахт. Биз доимо шукроналик ҳисси билан яшамоғимиз ва Ватанимизни севмоғимиз шарт.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 116-сонли ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Тўйчиева Матлуба Азимжон қизи номига берилган U № 2299831 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат Техника университети томонидан 1992 йил 22 июлда Бузрукханов Таҳир Мунавварович номига берилган ЦВ №766932 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



O'ZSANOATQURILISHBANK

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ

Сиз азият юртдошларни халқимизнинг энг улуг байрами —
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги билан чин
дилдан муборакбод этади!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт, тинчлик ва хотиржамлик,
ватанимиз ва халқимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда
улкан муваффақиятлар тилайди!

Кенг танлов асосида юқори даромадли депозитларни қулай
шартлар билан таклиф этади.

Омонат турлари	Сақлаш муддати	Омонатлар миқдори	Изоҳ
Миллий валютадаги омонатлар			
“Болалар мақсадли омонати”	10 йил	чекланмаган	Имтиёзли таълим кредити берилади
“Тежамкор”	3 ой	минимал миқдори 100000 сўм	
“Коммунал хизматлари тўловига”	2 йил	чекланмаган	Нақд пулсиз коммунал тўловларига ўтказилади
“Мадад-3”	6 ой	чекланмаган	Омонатнинг муддати тугагандан сўнг бонус тўланади
“Маржон”	4 ой	минимал миқдори 100000 сўм	
“Яхши ният”	6 ой	минимал миқдори 100000 сўм	
Хорижий валютадаги омонатлар			
“Манфаат-2”	7 ой	чекланмаган	Фойзалар омонатлар муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича тўланади
“Оила капитали”	12 ой	минимал миқдори 300\$ АҚШ	Фойзалар омонатларга ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича тўланади

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз миқдорлари омонатларни фойзалар даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБда сақланаётган аҳоли омонатлари “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди” томонидан кафолатланган.

Хизматлар лицензияланган.

22 ЙИЛ

ОАТБ «Кредит-Стандарт» Ўзбекистон аҳлини юртимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан чин қўнғилдан табриклайди ва Мустақиллик байрами шарафига миллий валютада жисмоний шахслар учун янги муддатли омонат тури йўлга қўйилганини эълон қилади.

Омонат сақлаш муддати 90 кун, ҳисобланган фойзалар омонатнинг сақлаш муддати тугаганида берилади.

Омонатга пул қабул қилиш муддати 2013 йил 20 августдан 30 сентябргача. КСБ депозит маҳсулотлари ҳақидаги яна ҳам тўлиқроқ маълумотларни интернетдаги сайтимиздан ёки ОАТБ «Кредит-Стандарт»нинг яқинроқ жойлашган офисидан олиш мумкин.



Мустақиллик айёми билан!

Хизматлар лицензияланган

**“ЎЗБЕКИСТОН” ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни **Энг улуг, энг азият байрам**
— **Мустақиллик куни билан табриклайди.**

Сизларни мароқли дам олиш ва даволаниш
учун **Кисловодск шаҳрида жойлашган**
“Ўзбекистон” (Кавказ минерал сувлари)
ва **Ялта (Қрим) санаторийларига**
таклиф этамиз.

Бизнинг манзил: **Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 65-уй.**
Тел: 233-64-92, 232-16-67, 233-55-18

Хизматлар лицензияланган.

АЗИЗ ҲОРИДОШЛАР!

Сизни халқимизнинг энг сеvimли байрами
— **Мустақилликнинг 22 йиллиги**
билан самимий табриклаймиз.

Юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган барча
ишларингизда ҳамisha омад Сизга ёр бўлсин!

“ЎЗПАХТАСАНОАТ” уюшмаси жамоаси

«КО'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик
аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Тошкент ша-
ҳар хўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли,
09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/
4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий
майdonи 481 кв.м., бино иншоотнинг умумий майdonи 979 кв.м., фой-
даланиш майdonи 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат
ертўлали маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси —
730 570 855,80 сўм.**

Савдо 2013 йил 23 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади
(13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги
муддати: 2013 йил 20 сентябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили ишти-
рокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бош-
ланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини,
тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда
«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАТБ Сағбон
ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга
тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корака-
миш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Тошкент банк коллежи бўш директор ўринбосари лавозимларига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1.Маънавий-маърифий ишлари Мурожаат учун манзил:
бўйича директор ўринбосари. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
2.Касбий таълим ишлари бўйича ди- Мойқўрғон мавзеси, Ёғду кўчаси, 1-
ректор ўринбосари уй. Тел: 228-76-99.

«MAGNUS TRADING» масъулияти
чекланган жамияти Юнусобод тумани
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
ўзлаштириш инспекциясининг 2012 йил 10
майдаги 007554-10-сонли реестр ра-
қами билан давлат рўйхатига олинган
бўлиб, Юнусобод тумани, Боғи Эрам
кўчаси, 17-уйда жойлашган. «MAGNUS
TRADING» масъулияти чекланган жа-
миятининг 2013 йил 23 августдаги 1
сонли мажлис баённомасига асосан
ушбу корхона туғатиш жараёнига ки-
рилади. (Стир 302298237)

Барча давлолар эълон чоп этил-
гандан сўнг 2 ой муддат ичида Юну-
собоод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 17-
уйда қабул қилинади. Тел. 347-72-38.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил
24 январдаги 58-сонли қарорига мувофиқ,
«Ўзматлукотқурилиш» давлат унитар кор-
хонаси қўшиб олиш шаклида қайта таш-
кил этилиши муносабати билан Бинолар-
дан фойдаланиш департаменти унинг
ҳуқуқий вориси бўлди.

«Plenim torg» МЧЖ (ИНН 301994868)га
Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 2012 йил
1 декабрда берилган СА 00997/983 рақамли
лицензия йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва якшанба-
дан ташқари ҳар куни соат 9.00
дан 16.00 гача қабул қилина-
ди. Маълумотлар учун теле-
фон: 233-28-95. Факс: (371)
232-11-39. Манзилимиз: Мат-
буотчилар кўчаси, 32-уй, 2-
қават, 225-хона.



**МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**

АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



Тадбирлар

**МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ БУЮК
НЕЪМАТ**

Чилонзор туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши, «Миллий тикланиш» партияси Чилонзор туман Кенгаши билан ҳамкорликда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида байрам тадбири ташкил этилди.

Унда туманда жойлашган умумтаълим мактаблари академик лицей ва касб-хунар коллежларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари, «Камолот» ЁИХ ташкилоти етакчилари, туманда истиқомат қилувчи маҳалла фаоллари ва маслаҳатчилари ҳамда иқтидорли ёшлар билан бир қаторда, туман Маънавият тарғибот маркази, Ички ишлар бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлини маси раҳбар ва ходимлари иштирок этдилар.

— Бугун мамлакатимиз Мустақиллиги 22 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибмиз. Ана шу муносабат билан ташкил этилган бугунги тадбиримиз ҳам ёшларимизга мустақиллик қанчалик буюк неъмат эканлигини, унинг қадрига етиш, Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиш кераклигини яна бир бор тушунишга ёрдам беради, — дейди «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши раиси Баходир Зиёвдидинов.

Шунингдек, тадбир доирасида туманда жойлашган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирокида кўл меҳнати асосида яратилган ижодий ишлар, «Буюк мамлакатнинг кеча ва бугуни ёшлар нигоҳида» номли расмлар кўргазмалари бўлиб ўтди, жорий йилда туманда «Камолот» ЁИХ фаоллари ўртасида ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Туман «Баркамол авлод» маркази қошидаги болалар гуруҳлари, «Нихол» мукофоти совриндорлари, «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танлови ғолиблари томонидан ижро этилган Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз-тароват бағишлади.

Камола МАҲМЕДОВА

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб моҳир ёғоч ўймаkori, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаевнинг миллий ҳунармандлик кўргазмаси очилди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган тадбирда рассом, ҳунармандлар, санъатшунослар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҲУНАРМАНД ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижодкорлар ўз истеъдодини намоян этиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар, айниқса, Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида жойларда ташкил этилаётган бадий кўргазмалар, санъат ҳафталиклари ва ижодий учрашувларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилаётган тадбирлар ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларни истиқлол йилларида миллий тасвирий санъат равнақи йўлидаги эзгу ишлар моҳияти, аҳамияти ва самаралари билан кенгроқ таништириш имконини бераётир. Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев ижодига бағишланган кўргазма ана шундай тадбирлардан бири.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

МАРКАЗНИНГ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ТАДБИРЛАРИ

Республика ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида «Ногиронларнинг жамиятга интеграциялашувида матбуотнинг роли» мавзусида матбуот ходимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда марказнинг олий тоифали шифокорлари ва даволанувчилари иштирок этишди.

жароҳати ва касалликлар патологияси, жароҳатлар оқибати, протезлаш, ижтимоий касбий реабилитация каби хизматларни келтириб ўтиш мумкин. Мазкур бўлимларда хориж мамлакатларида маълумоти олишган олий тоифали шифокорлар фаолият кўрсатишади.

— Республикаимизнинг турли вилоятларидан шифо топиш ниятида келадиган ногиронларни замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар ёрдамида даволаш ишларини олиб бормоқдамиз, — дейди тиббиёт фанлари доктори Алишер Сатторов. — Реабилитация қилинган ногиронлар нафақат даво топмоқдалар, балки улар билан касбий реабилитация тадбирларини ҳам ўтказмоқдамиз.

— 2009 йилдан бошлаб бел ва оёқ бўғимларимизда

оғриқ борлигини сездим. 2012 йилда ҳаракатларимиздан бутунлай тўхтадим. Мазкур марказга мурожаат қилганимда жароҳлиқ амалиёти зарурлигини айтишди, — дейди бухоролик 54 ёшли аёл Малика Ҳайитова. — Операциядан уч кун ўтиб, мустақил юра бошладим. Хасталикдан даво топганимдан жуда мамнунман. Марказ шифокорларига катта миннатдорчилигимни билдириб қолдим.

Таъкидлаш жоизки, марказ Япония ҳукумати томонидан кўрсатилган грант ёрдами оқали 59 турдаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди ва ногиронларга бепул хизмат кўрсатмоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ногиронлик ва ногирон-

лар масаласига халқаро қабул қилинган стандартлар позицияси орқали янгилаш ёндашиш, уларнинг оила ва жамиятга уйғунлашиб боришларини янада яхшилаш, айниқса, ёшларнинг касб ўрганиши ва меҳнат қилишга бўлган имкониятларини ошириш, турмушдаги бошқа муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш борасида марказда олиб бориладиган тиббий-ижтимоий тадбирлар ҳақида сўз юритилди, ногиронлар ҳаётига доир мавзуга алоқадор кўрсатилган матбуот нашрлари билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Учрашув якунида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоб қайтарилди.

Зиёда ОРТИҚОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Футбол

«АРДУС» КУРАШГА КИРИШДИ

Япониянинг Нагоя шаҳрида минифутбол бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати бошланди. Қўғамизнинг энг кучли саккиз клуби иштирок этаётган мусобақада Ватанимиз шарафини Тошкентнинг «Ардус» жамоаси ҳимоя қилмоқда.

Ўтган йили клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритган «Ардус» вакиллари «В» гуруҳида Таиланднинг «Чонбури Блувейв», Қатарнинг «Ас-Садд» ҳамда Эрон чемпиони «Санои Гити Пасанд» клублари билан рақобатлашмоқда.

Ҳамюртларимиз биринчи турда Таиланд чемпиони — «Чонбури Блувейв» футболчилари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. «Ардус»нинг голлари моҳир ҳужумчи Дилшод Раҳматов ҳисобига ёзилди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда «Санои Гити Пасанд» футболчилари «Ас-Садд» устидан 3:2 ҳисобида зафар кучди.

Футбол бўйича хотин-қизлар ўртасидаги мамлакат чемпионати олий лигасида бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

«СЕВИНЧ» — ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАР

Мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони — «Севинч» жамоаси бешинчи турни ҳам ғалаба билан якунлади. Қаршилиқ чарм тўп усталари пойтахтнинг «Бунёдкор» жамоаси дарвозасига жавобсиз етти та тўп киритди: Ж.Жўраева, М.Моисеева, Икита, Ф.Турдибоева ва Т.Зарбиева биттадан гол урди.

Чемпионлиқни кўзлаётган яна бир жамоа — «Андижанка» (Андижон) бухоролик рақибаларини 3:0 ҳисобида доғда

қолдирди. «Қизилқум» (Навоий) ва «Динамо-плюс» (Самарқанд) ўртасидаги учрашувда навоийлик футболчилар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шунингдек, Бекободнинг «Металлург» жамоаси «Шўртан» (Фузур) ни 1:0 ҳисобида енгган бўлса, «Локомотив» (Тошкент) ва «Тўмарис» (Янгибозор, Хоразм) жамоалари ўртасидаги учрашувда 3:3 ҳисоби қайд этилди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

«ҚИЗИЛҚУМ» «ЛОКОМОТИВ»НИ ТЎХТАТДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лигасида ўн еттинчи турнинг кутилмаган натижаси Зарафшонда қайд этилди.

Мусобақа жадвалида сўнгги поғонада бораётган «Қизилқум» футболчилари чемпионат пешқадами — пойтахтнинг «Локомотив» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мухлисларини хушнуд этди. Наврўзбек Олимов ўйиннинг сўнгги дақиқасида гол киритиб, жамоасига уч очко келтирди.

«Темирўлчи»ларнинг кутилмаган мағлубиятидан «Бунёдкор» унумли фойдаланди. Пойтахтда Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини қабул қилган Миржалол Қосимов шогирдлари Жасур Ҳасановнинг пенальтидан киритган голи эвазига очколари сонини 41 тага етказиб, яна биринчи ўринга қўтарилди.

Жорий мавсум чемпионлик учун курашаётган «Насаф» Қаршидаги учрашувда Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчиларини 4:2 ҳисобида енгди. Гулистондаги бахсда «Гулистон» вакиллари бир соатдан кўпроқ вақт мобайнида «Пахтакор»дан икки тўп фарқи билан олдинда бўлганига қарамай, яқунда пойтахтликларга мағлуб бўлди. Қарши ва маҳорат ботида рақибдан устун бўлган «Пахтакор»чилар Дилшод Шарофиддинов, Анвар Солиев ва Владимир Козакнинг аниқ зарбалари туфайли уч очкони қўлга киритди — 2:3.

«Бухоро» чемпионат аутсайдерларидан Фузурнинг «Шўртан» жамоасини 3:2 ҳисобида енгди. Тошкент вилояти «дерби»сида «Олмалик» футболчилари «Металлург»дан 2:1 ҳисобида устун келди. Наманганнинг «Навбахор» ва Самарқанднинг «Динамо» жамоалари бахсида 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9030 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш мухаррир
Акматали АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 03.35